# ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ КОМИССИЯСИНИНГ РАЁСАТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бир қанча жойларда чакана нархлар ислоҳоти муносабати билан ходимларга компенсациялар тўлаш борасида назоратсизликка йўл қўйилмоқда. Чунончи, Норин районидаги «СССР 50 йиллиги», «Ленин йўли» колхозларида, Косонсой районидаги «Бухоро» совхозида август ойи бошларида 400 дан кўпроқ оила апрель — июнь ойлари учун компенсация олмаганлар. Тўланмаган компенсация 126 минг сўмни ташкил этади. Кўпгина хўжаликларда компенсация белгиланган миқдордан кам тўланмоқда.

Партия комитетлари ва назорат комиссиялари савдо ташкилотларида белгиланган миқдордаги маҳсулотлар ҳамда эҳтиёжи катта бўлган молларни тақсимлашда ижтимоий адолат бузилиши ҳолларига бефарқ қарамоқдалар, баъзида эса қатъиятсизлик қилмоқдалар.

Марказий назорат комиссияси раёсатининг мажлисида республика Президентининг қишлоқ аҳолисини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга қаратилган фармонларини рўёбга чиқариш ишида коммунист раҳбарларнинг тепса тебранмаслиги, партия комитетлари ва ташкилотларининг рўй бераётган мавжуд камчиликларга ўз вақтида аҳамият бермаслиги вилоят партия ташкилотининг обрўси ошишига кўмаклашмаслиги таъкидланди.

Марказий назорат комиссияси раёсати жойларда Ўзбекистон Компартияси ҳаракат дастурини рўёбга чиқариш борасида олиб борилаётган ишларнинг аҳволи устидан доимий ва амалий партиявий назорат йўқлигига вилоят партия ташкилоти коммунист раҳбарларининг эътиборини қаратди. М. М. Расулов ва Б. А. Аҳадов ўртоқларнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссиясининг ўтказган текшириши натижалари вилоят партия комитети бюроси билан вилоят партия ташкилоти назорат комиссияси раёсатининг қўшма мажлисида кўриб чиқилганлиги тўғрисидаги гапларини ахборот учун қабул қилди. Партия ташкилотлари, партия комитетлари, совет ҳамда хўжалик идоралари коммунист раҳбарларининг қишлоқ меҳнаткашларининг биринчи галдаги вазифаларини ҳал этишдаги мавқеи ҳамда масъулиятини оширишга қаратилган қўшимча тадбирлар белгиланган ва улар амалга оширилмоқда. Ижтимоий адолат бузилиши юзасидан аниқланган барча фактлар бўйича айбдорларга нисбатан қаттиқ партиявий таъсир чоралари кўрилади. Вилоят партия комитетига, халқ депутатлари вилоят Советининг коммунист раҳбарларига:

— маҳсулот, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни ҳамда аҳолини иш билан бандлигини оширишни таъминлайдиган корхоналар қурилишини тезлаштириш борасида Ўзбекистон республикаси Вазирлар Кенгаши 1989 йил 20 ноябрь қарори қандай бажарилаётганини назорат остига олиш;

— республика Қишлоқ хўжалик вазирлиги билан биргаликда хўжаликларнинг ходимларига давлат идораларининг қарорларига қатъий риоя этган ҳолда компенсация тўлаш масаласини ҳал қилиш таклиф этилди.

Аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, шу жумладан белгилаб қўйилган озиқ-овқат маҳсулотлари, енгил автомобиллар, уй-жойлар, бинокорлик материалларини тўғри тақсимлашни текшириш масалалари юзасидан олиб борилаётган ишлар ошкора бўлиши учун ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш, айбдорларга нисбатан қатъий чоралар кўриш, бундай фактларни кенг ошкор қилиш тавсия этилди.

Марказий назорат комиссиясининг раёсати Жиззах вилоят партия ташкилоти назорат комиссияси раиси А. М. Азимовнинг «Жиззах вилоятининг Пахтакор районида ижтимоий адолат принципларига риоя этиш устидан партиявий назоратнинг аҳволи тўғрисида»ги қарор қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги ахборотини тинглади. Топширилганидек бу қарор вилоят партия комитети бюроси билан вилоят партия ташкилоти назорат комиссияси раёсатининг қўшма мажлисида муҳокама қилинди. Муҳокамада мазкур масалаларда рўй берган бузилишларга, ижтимоий адолат принципларига риоя этиш борасида тартиб ўрнатиш юзасидан партия ва совет идоралари, жамоат ташкилотларининг коммунист раҳбарлари ишидаги камчиликларга қатъий баҳо берилди. Пахтакор район партия комитетининг бюроси ижтимоий адолат принципларини бузганлиги учун КПСС аъзолари — район ижроия комитетининг раиси Э. Носировни ва шаҳар ижроия комитетининг раиси Э. Усмоновни партиявий жавобгарликка тортганлиги маълумот учун қабул қилинди. Шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи котибларига, вилоят ташкилотларининг коммунист раҳбарларига Ўзбекистон Компартияси ҳаракат дастурини бажариш юзасидан аниқ топшириқлар берилди. Коммунист раҳбарларнинг ижтимоий масалаларни ҳал этиш борасидаги ҳисоботларини амалий равишда мунтазам эшитиб туриш зарур деб топилди.

Марказий назорат комиссияси раёсатининг мажлисида маҳаллий партия органларининг қарорларига коммунистлар томонидан тушган шикоятлар, шунингдек партия ички турмушига доир бошқа масалалар кўриб чиқилди.

*Ҳамкорлик хосияти*

# ЖЎЖАНИ САНАЙДИГАН ВАҚТ КЕЛДИ

1991 йил сентябрь — бу таваллуд санаси «Ўзбекчикин» қўшма корхонаси гувоҳномасига ёзиб қўйилади. Уни Нью-Йоркдаги «Агриташ интернейшнл инк» фирмаси билан «Узптицепром» жумҳурият ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этди. Корхона ходимлари курка жўжаларидан парҳез гўшти ва бошқа парранда маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар.

Воқеа шундай бўлган эди: бир неча ой илгари «Агриташ интернейшнл инк» фирмасининг Президенти М. Хаи-мофф Ўзбекистонга келган эди. Бухорода туғилган бу киши нафақат ўзбек тилини, бу ердаги бозорни ҳам, минтақанинг турли маҳсулотларга бўлган талабини ҳам яхши билади. Шундай қилиб, Америка бизнесмени юртимизга аниқ-равшан амалий таклифлар билан келганди.

Мана энди қўшма корхона ишга туширилмоқда. Дарвоқе, у ташкил этилаётган вақтда Ўзбекистон ҳукумати хорижий шеригимизга кафолат берди. Ҳукуматимиз устав жамғармасига 5,2 миллион доллар пул ажратмоқда. Томонларнинг улуши малакали мутахассислар иштирокида жаҳон бозоридаги нархларни ҳисобга олиб белгиланган.

«Ўзбекчикин» («чикин» инглизчасига жўжа дегани) қўшма корхонаси «Узптицепром»нинг тўртта катта корхонаси — Тошкент, Чимён, Каттақўрғон гўшт ишлаб чиқариш бирлашмалари ҳамда тухум етиштиришга ихтисослаштирилган Самарқанд ишлаб чиқариш бирлашмасининг негизида ташкил этилди. Уларнинг ҳаммаси қўшма корхона таъсисчилари бўлиб, ўз асосий жамғармаларини ижара тариқасида унга бердилар. Тўғри, 1991 йил учун бу корхоналар зиммасига юклатилган давлат буюртмаси ҳажми сақлаб қолинди.

Хўш, янги қўшма корхона қандай иш билан шуғулланади? Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, яқин уч йил ичида қўшма корхона таркибига кирган паррандачилик бирлашмаларининг қуввати камида икки баравар кўпаяди. 1991 йилда гўшт етиштиришни 31,5 минг тоннага, тухум етиштиришни 409 миллион донага етказиш режалаштирилмоқда.

Ўтган йили «Узптицепром» бирлашмасининг барча корхоналарини қўшиб ҳисоблаганда, 60 минг тоннадан сал кўпроқ парранда гўшти етиштирди. Энг янги хорижий техник ва технологиялар ёрдамида ишлаб чиқаришни қатъиян такомиллаштириш натижасида олдинга қараб жуда катта сакраш қилиш мумкин бўлади.

Бундан ташқари Риштон ва Бағдод паррандачилик фабрикалари негизида курка жўжаларини боқиб семиртирадиган ягона корхона барпо этиш назарда тутилмоқда. Аввалига йилига 500 мингта, янги технологиялар жорий этилганидан сўнг 2 миллионта жўжа боқилади. Агар жўжаларни гўштга айлантирсак, бу 32 минг тоннага яқин гўшт демакдир. Америкалик шеригимизнинг Ватани — Бухоро вилоятида ҳам худди шундай корхона қуриш режалаштирилмоқда.

«Ўзбекчикин» корхонасининг яқин орада амалга оширадиган режалари ана шундай. Лекин эртанги кунни кўролмайдиган тадбиркор эмас. Шу сабабли «Агриташ интернейшнл инк» раҳбари бугундан бошлабоқ яна бир қанча масалаларни кўриб чиқишга тайёр. Улардан бири новвосларни келтириб бўрдоқига боқишдир. Бу таклиф жумҳурият Қишлоқ хўжалик вазирлигида қўллаб-қувватланди. Айни вақтда сабзавот омборларини қуриш, консерва саноати учун ускуналар етказиб беришни йўлга қўйиш, бошқа бир қанча лойиҳаларни амалга ошириш ҳам мумкин.

Чамаси, уларнинг баъзилари билан шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгаларининг уюшмаси шуғулланадиганга ўхшайди. Ўзбекистонга хонадонларга бериш учун серсут сигирларни хориждан олиб келиш энг мақбул тадбир бўлиши мумкин. Уларни етказиб берувчи наслдор молларни танлаш мажбуриятини зиммасига олмоқда. Бу моллар Ўрта Осиёга тез мослашадиган бўлади. Аввалига тажриба тариқасида ярим минг бошга яқин қора молларни етказиб бериш режалаштирилмоқда. Агар ҳамма ишлар кўнгилдагидек кетса, моллар подаси тез кўпайтирилади.

Бу истиқболдаги ишлардир. Ҳозир эса паррандачиликдаги юмушларни йўлга қўйиш зарур. Фирма қўшма корхонани ускуналар билангина эмас, айни вақтда сифатли озуқа, дори-дармонлар, жўжа очиш учун мўлжалланган тухумлар, идишлар ва ўраш материаллари билан таъминлаш ниятида ҳамдир. Буларнинг ҳаммаси беғараз, текинга қилинмайди, албатта. Хорижий шеригимиз етиштирилган маҳсулотнинг бир қисмини ўз хоҳишига кўра СССРда ёки ўз савдо тармоқлари орқали СССРдан ташқарида сотиш ҳуқуқига эга. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам Ўзбекистон аҳолиси бундан наф кўради.

**И. АХМЕТОВ.**
**(ЎзТАГ).**

*Иқтисодий мустақиллик йўлида*

# ДЕҲҚОН КАФОЛАТИ

Кейинги йилларда мамлакатда юз берган таназзул халқ хўжалигининг энг йирик жабҳаларидан бири бўлмиш деҳқончилик-саноат мажмуига ҳам таъсир этмай қолмади. Таъминотдаги узилишлар, маҳсулотлар харид нархини белгилашдаги беқарорлик қадоқ қўлли деҳқон ва чорвадор димоғини чоғ қилмади, албатта. Лекин замон ҳар қанча олағовур бўлмасин, суяги меҳнатда қотган вилоятимиз деҳқон ва чорвадорлари мавжуд куч ҳамда имкониятларни инқироздан чиқиб кетишга сарфламоқдалар.

Хўш, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида қандай қилиб мураккаб ва чигал ечимларни ҳал этиш мумкин? Биз ўз иш фаолиятимизни кун тартибига кўндаланг қўйилган ана шу савол нуқтаи назаридан ташкил этаяпмиз. Бинобарин, қолган барча масалалар ана шу йўналиш атрофида ҳал қилинаётир.

Эндиликда дуч келинаётган муаммоларни эскича ёндашув билан ечиб бўлмаслиги ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Узоқни кўзловчи, ижодий яратувчиликка асосланган янгича ечимларга мурожаат қилиш даркор. Шуниси эътиборлики, жумҳуриятимиз ҳудудида хорижий фирма ва корхоналар билан тўғридан-тўғри алоқага киришаётан жамоалар сони кўпайиб бормоқда. Бухоро вилояти ҳам бундан истисно эмас. Жонли бир мисол. Свердлов районида Италия ва Швеция фирмалари билан ҳамкорликда қурилган консерва заводи биринчи навбати 320 тонна помидор пастаси ишлаб чиқармоқда. Тўғрисини айтганда биргина шу корхона бугунги кунда вилоятда етиштирилаётган маҳсулотнинг 30 фоизини қайта ишлаш қувватига эгадир.

Айни пайтда Бухоро шаҳри аҳолисини хушхўр нон билан таъминлаш йўлга қўйилди. Туркиянинг «Генай» фирмаси билан ҳамкорликда қурилган янги цех кунига 10.000 дона нон ишлаб чиқаряпти. Эндиликда бу каби илғор технология ва замонавий дастгоҳларга эга бўлган корхоналар зудлик билан ишга туширилаяпти. Бухоро шаҳрида яна бир кеча-кундузда 100 тонна сутни қайта ишловчи завод қурилиши ҳам режалаштирилди.



Бугунги кунда жойларда майда корхоналар қуриш, халқни иш билан таъминлаш бош масаладир. Шундай корхоналар вилоятнинг турли районларида ташкил этиляпти. Бу халқ хўжалигини юксалтириш, ҳаммабоп саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда асосий воситадир. Жумладан, аҳолиси зич жойлашган Вобкент районида маҳсулотни қайта ишловчи ва саноат корхоналари қуриш тадбирлари белгиланди. Шу йилнинг ўзида бу районда хорижий мамлакатлар фирмалари билан ҳамкорликда замонавий воситаларга эга бўлган 1 миллион 200 минг сўмлик консерва заводи қурилади. Қишлоқ хотин-қизларини иш билан таъминлаш мақсадида Германиянинг «Зингер» фирмаси ишлаб чиқарган 250 та тикиш машинаси сотиб олинди. Келгусида вобкентликлар ўзлари етиштирган пахтани қайта ишлаш имконига эга бўладилар.

Эндиликда вилоятимизда ўнлаб турли йўналишдаги бирлашмалар тузилди. Бу эса ҳозирги иқтисодиётнинг туб масалаларини ҳал этишга кафолат беради. Яқин бир-икки йил ичида янгидан тузилган мева ва сабзавотчилик, гўшт етиштириш, паррандачилик ва бошқа саноат бирлашмалари бугунги кунда халқни иқтисодий тангликдан олиб чиқишда ижобий таъсир кўрсатяпти.

Вилоятимизда бугунги кунда 2 миллион нафарга яқин аҳоли яшаяпти. Уларнинг иқтисодий аҳволига пахта яккаҳокимлиги путур етказди. Вилоят раҳбарлари бу муҳим муаммони изчил ҳал этиш тадбирларини белгиламоқдалар.

Жумҳуриятимиз Президентининг фармонларига мувофиқ бу йил вилоят меҳнаткашларининг иқтисодий аҳволини яхшилашда қатор ишлар амалга оширилди. Аҳолига ҳозиргача 60.000 бош қорамол, 57.000 бош қўй сотилди. Бу рақам олдинги йиллардагига қараганда 4—5 марта кўпдир. Шунингдек, халққа 12.200 гектар қўшимча томорқа берилди. Вилоятда бу каби муҳим аграр масалаларни ҳал этиш, халқнинг иқтисодий аҳволини тангликдан олиб чиқиш кечиктириб бўлмас вазифадир.

Кейинги пайтда вилоят чорвачилигида ютуқлар билан бирга нуқсонлар ҳам кўзга ташланмоқда. Ўз-ўзидан маълумки, чорвани тўйимли озуқасиз ривожлантириб бўлмайди. Аммо кейинги йилларда вилоят хўжаликлари ажратилган омихта ем фондларини ололмаслиги чорвачиликнинг бир қадар оқсашига олиб келаяпти. Ҳозир вилоятимизда 1.800.000 бош қўй ва 138.000 бош қорамол мавжуд. Кейинги йилларда чорвачиликка эътибор кучайди. Бу йил 80219 гектар майдонга чорва озуқаси экилди. Бу вилоятдаги жами экин майдонининг 30,6 фоизини ташкил этади. Аммо бу талабни тўла қондира олмайди. Шу мақсадда келгуси йилда озуқабоп экинлар майдонини кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

Бу йил чорвадор учун оғир келди. Айниқса Учқудуқ, Томди ва Конимех районлари чорвадорлари қийин аҳволда қолишди. Сабаби баҳорда ёғин бўлмай, кўклам қурғоқчилик келиши оқибатида айниқса, Пешку районидаги «Жонгелди», Учқудуқ районидаги «Ўзбекистон 40 йиллиги», «Мингбулоқ», Томди районидаги қоракўлчилик давлат хўжаликлари анча талафот кўрди. Энг ачинарлиси, 4.680.000 гектар яйловда бу йил ўт кўкармади. Бу қийинчиликларнинг олдини олишда вилоят мутахассислари дарҳол чора-тадбир белгилашди, чорвадорларга амалий ёрдам кўрсатишди.

Шароитдан келиб чиқиб бу йил Томди ва Учқудуқ районлари чорвасини озуқа билан таъминлаш мақсадида, Қизилтепа районида янгидан 2 та чорва озуқаси етиштирувчи давлат хўжалиги барпо этилди.

Бизда ҳар бир тармоқни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу йил мавжуд 156.000 гектар майдондаги пахтадан 150.000 тонна тола олиш кўзда тутилган. Вилоятимиз пахтачилик хўжаликларида ғўзалар баравж ўсди. Далаларда 3444 та культивация юксак унум билан билан ишлатилди. Уруғчилик яхши йўлга қўйилган. Ўтган йили пахтанинг 12 хили экилган бўлса, бу йил экин, майдонининг 80 фоизида «Бухоро-6» нави экилди. Бу нав тола жиҳатдан чидамли, саноатбоп. Мавжуд 6 та уруғчилик хўжалигининг 5 тасида «Бухоро-6» нави етиштирилаяпти.

Халқнинг қорни тўқ бўлса, имони бутун бўлади, деган гап бор. Бу йил 20.000 гектар майдонда ғалла экилиб, 25.100 тонна дон йиғиб олинди. Шуни эътироф этиш керакки, биринчи галда дастурхон тўкинчилигини таъминлаш бош вазифамиз. Ҳозир 5.493 гектар майдондаги сабзавот экинларини йиғиштириб олиш авжида. Бу йил 1.546 гектар майдонда янгидан боғ барпо этилди. Жумладан, Ромитан районида «Анор» давлат хўжалиги, Қоровулбозор даҳасида ўз-ўзини иқтисодий жиҳатдан бошқарадиган қовун етиштирувчи бўлим тузилди. Уларда қадимий қовун навларини кўпайтириш кўзда тутилган. Навоий районида эса «Узумзор» давлат хўжалиги қайта тикланди.

Бу ишларни амалга оширишда ишбилармонлик, тадбиркорлик қўл келмоқда. Шуни айтиш керакки, иқтисодиётнинг мураккаб жараёнини бошдан кечираяпмиз. Шу боис деҳқончилик ва чорвачиликда меҳнатни илмий ташкил этиш ютуқлар гаровидир. Ҳозир вилоятимизда 3075 нафар пудратчи иш олиб бораяпти. Бунинг 1792 нафари жамоа, 744 нафари оила, 514 нафари ижара пудрати асосида иш юритаётир. Уларга жами 255.910 гектар ер ажратилган.

Гапнинг нақдини айтганда халқимизнинг мақсади улуғ. У ҳам бўлса, бор куч-ғайратини эл дастурхонини мўл-кўл ноз-неъмат билан тўлдириш, фаровонликни оширишга қаратилган. Ҳар бир деҳқоннинг қалб шиори ана шундай. Халқнинг бой тажрибаси, изчил изланишлари фаровонликнинг асосий омилидир. Зотан, деҳқон ва чорвадор меҳнати нафақат хирмондаги тарозида, балки элининг турмуш даражаси билан ҳам ўлчанади.

**Иброҳим РАҲМАТОВ,**
**Бухоро вилояти деҳқончилик-саноат уюшмаси раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ижроия қўмитаси раисининг биринчи муовини.**





Жамоатчи мухбиримиз К. КАРИМОВ олган ушбу суратларда иқтисодий мустаҳкамлашга ўз улушини қўшаётган дала заҳматкашлари акс эттирилган. Шофиркон районидаги «Шофиркон» жамоа хўжалиги аъзолари Санобар Хайдарова ва Фарида Жалилова (чапдаги сурат) пахтадан мўл ҳосил етиштиришда жонбозлик кўрсатишди. Улар йиғим-теримда ҳам мусобақанинг олдинги сафида боришга аҳд қилишган. Шу райондаги «Ленинобод» жамоа хўжалигида ўн беш йилдан бери механизаторликни шарафлаб келаётган Тўхсон Эргашев (ўнгдаги сурат) ҳар соҳада ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

# МАМЛАКАТ ХАБАРЛАРИ

НОВОСИБИРСК. Сибирь жамғарма биржасида савдо-сотиқ ўтказилди. Унда жами қиймати 11 миллион сўмлик қимматбаҳо қоғозлар савдога қўйилди. Улар орасида — Россия ички займи облигациялари, Осиё, Қарағанда биржалари, Новосибирск «Станкосиб» акционерлик жамияти акциялари бор.

●

ЛУГАНСК. Новопсков районидаги «Октябрь» колхози комбайнчиси А. Максименкога меҳнати эвазига бир машина дон берилди. Бироқ у донни уйига олиб бормади. Олти тонна сара буғдойни давлатга сотди. Ҳар килограммига 1 сўм 20 тийиндан ҳақ тўланди. Бунинг устига колхоз бошқаруви ўзига қарашли донни сотаётганларга мотоблоклар, холодильниклар, телевизорлар, тикув машиналари ва бошқа камёб моллар ажратишни ваъда қилмоқда. Ҳозирдаёқ юз тоннадан кўпроқ буғдой сотилди. Колхоз давлат буюртмасини аллақачоноқ бажариб қўйди.

●

КОВРОВ (Владимир вилояти). Шаҳардаги бир юз элликта кооперативнинг салкам элликтасида бухгалтерлик ҳисоби, меҳнат қонунини қўпол бузишлар, шунингдек даромадни яшириш ҳоллари аниқланди. Шаҳар солиқ инспекцияси ва ОБХСС томонидан ташкил этилган текширув натижасида Ковров шаҳар бюджетига уч юз эллик минг сўмдан ортиқ пул қайтарилди. Бу маблағнинг каттагина қисми кооператорлардан солиқ ставкалари белгилашда найранг ишлатганликлари учун ундириб олинди. Улар шу йўл билан бойиб олмоқчи эдилар. Молиявий интизомни қўпол равишда бузганлиги учун ўнлаб кооперативларнинг фаолияти тўхтатилди, ўттиз кишининг иши судга берилди.

●

КУРСК. Маҳаллий қандолатчилик комбинати хамирига ёнғоқ ёғи қўшилган печенье чиқарди. «Вернер и пфлейдерер» немис фирмаси шундай печенье тайёрланадиган автоматлаштирилган технологик линия етказиб берди. Яқин вақт ичида у Совет Иттифоқига яна бир нечта ана шундай линия юборишни мўлжалламоқда.

**(ТАСС).**

# МУРОДОБОДЛИКЛАР МУРОДИ

Сунбула бошлангач, ғўза пайкалларидаги шиғил-шиғил кўсаклар етила бошлайди. Бирон ҳафта ўтгач, пахта қийғос очилади. Табиийки, бундай пайтда деҳқоннинг ташвиши минг чандон ортади. Ғўза парваришини бир дам сусайтирмаган ҳолда долзарб мавсум — пахта йиғим-теримига тайёргарлик қўшиб олиб борилади. Ҳозир жумҳуриятимизнинг кўпгина вилояти пахтакорлари ана шундай қизғин паллани бошидан кечиришаяпти. Дала заҳматкашларининг меҳнат маҳсули — кўсаклар бодроқ-бодроқ очилиб, пайкаллар олтин кузнинг оппоқ либосига бурканмоқда.

Сариштали ва тадбиркор деҳқон йиғим-теримга аллақачон ҳамма нарсани ҳозирлаб қўйди. Биринчи навбатда эгат бошлари, хирмон-жойлар, дала йўллари тартибга келтирилди. Ғўзанинг баргини тўкишга киришилди. Буларнинг ҳаммаси далаларда тўпланган мўл-кўл ҳосилни нест-нобуд қилмасдан тезроқ йиғиб-териб олишда ўзининг ажойиб самараларини бериши шубҳасиз.

«Қишлоқ ҳақиқати» оталиғидаги Мурод Жўраев номли жамоа хўжалигида бўлганимизда терим мавсумига олдиндан пухта ҳозирлик кўриб қўйилганлигини кўрдик.

Хўжаликдаги мавжуд 23 та пахтачилик бригадасининг ҳаммасида кузнинг терим олдидаги юмушлари омилкорлик билан ҳал этиб қўйилган. 1952 гектар пахта майдонида уруғлик ҳосилнинг дастлабки нишоналари юз кўрсата бошлади. Айни чоғда сўнгги гуллар кўсакка, кўсаклар эса лўппи-лўппи чаноқларга айланиб, кўзни қувонтирмоқда. Пайкалларда кузнинг баракали ва қутлуғ қадами хосиятли лаҳзалардан дарак бермоқда. Хўжалик пахтакорлари эзгу ташвиш ва ҳаяжонларга бой қут-барака фаслининг истиқболига пешвоз чиқишмоқда. Абдурауф Омонов, Омон Умрзоқов, Неъмат Назаров, Фарҳод Насриддинов, Ҳиммат Муҳаммадиев, Толиб Қосимов ва бошқа ўртоқлар етакчилик қилаётган бригадаларда бу йил, айниқса, ҳосил чўғи баланд. Улар камида ҳар гектар ердан 35—40 центнерлик маррани эгаллашни кўзлашаяпти.

Хўжалик далаларини айланиб, бу ердаги уста пахтакорлар билан учрашганимизда пайкал бошидаги тут соясида гурунг дафъатан авжга чиқди. Жамоа бошқарувининг раиси Фазлиддин ака Пирназаров ҳикматона бир гапни айтиб қолди: «Пишган ошни совутиб қўймаймиз...». Унинг бу гапи бу йилги ҳосил теримига ишора эди. У яна қўшиб қўйди: «Кундузги ошдан бутун кун умидвор...». Буниси эса ҳосил қанча мўл тўпланса, деҳқонлар бундан шунча манфаатдор бўлишига ҳазил, қолаверса ҳикмат аралаш саркорнинг айни ҳақиқати эди.

Ҳа демай, хўжалик дала йўлидан карвонлар оқими «Муродобод» пахта қабул қилиш пунктига йўл олади. Хўжаликнинг ўз тасарруфидаги бу пахта пункти меҳнат жамоаси ҳосилни қабул қилиб олишга аллақачон шай. Бу ерда 6 минг тонналик хирмон уюш кўзда тутилган. Ҳозирги хомчўтларга қараганда бу рақам янада сарбаланд бўлиши кутилмоқда. Чунки хўжалик далаларида ҳосил бу йил ҳар қачонгидан мўл.

Биз катта йўл бўйидаги «Халқобод» қўрғонида бўлиб, бу ердан унча узоқ бўлмаган пахта пунктига раис ҳамроҳлигида ташриф буюрдик. Унинг дарвозасидан киришингиз билан ҳосилидан шохлари ларзон турли мевали дарахтлар кўзингизни қувнатади. Ўнг томон ҳам, чап томон ҳам худди боғ-чорвоқнинг ўзгинаси. Ўртада тарозу. Нарироқда кафтдек текис майдон. Ичкарида — пахта пунктини ўраб олган деворнинг гир атрофида турли дарахт яшнаб турибди. Гўё яшил чаманзор дейсиз.

Тайёрлов пункти мудири минг марта эшитгандан кўра бир марта кўрган афзал дегандай, бизни бу ердаги кичик жамоанинг ишлари билан танишишга таклиф этди. Биз бажону дил рози бўлдик. Катта майдондаги пахта пункти сариштлиги билан кўнглимизни хушнуд этди. Бу ерда ҳамма жиҳозлар тахт. Ишлар маромида. Мавжуд 8 та транспортёр, 8 та ПЭЛ ускунаси, қуритиш-тозалаш цехи, лаборатория ва 22 жойдаги махсус майдон кўрикдан ўтказилган ҳолда шай турибди. 3 та ҳовуз, ёнғинга қарши воситалар ҳам шу куннинг талабига монанд тайёрлаб қўйилган. 3 мингта этак эса мавсум олдидан колхозчиларга тарқатилди.

Эрта-индин пахта ортган карвонлар оқими кела бошлайди. Бу ерда сарбаланд хирмонлар тикланади.

**А. ТУРДИЕВ,**
**«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

